

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги**

**Наманган Давлат университети
Ижтимоий-иқтисодий факултети
Архившунослик йўналиши**

2-босқич талабаси

Мамадалиев Баҳодирнинг

**Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва унинг
ёшлар
руҳиятига таъсири**

мавзусидаги

КУРС ИШИ

Илмий раҳбар:

А. Мавлонов

НАМАНГАН-2017

Мавзу: Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва унинг ёшлар руҳиятига таъсири

Режа:

Кириш

I-боб. Дунё мафкуравий манзарасининг ёшлар руҳиятига таъсирини тадқиқ этиш – ижтимоий педагогик муаммо сифатида

1.1. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси билан боғлиқ тушунчалар талқини

1.2. Мафкуравий глобаллашув дунё манзарасининг асосий омили сифатида

II-боб. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасида ёшлар тарбиясининг амалий асослари

2.1. Ёшлар руҳиятига қарши қаратилган маънавий таҳдидлар тавсифи ва таснифи

2.2. Маънавий таҳдидларга қарши тарбия мазмуни, шакли, восита ва методлари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. ХХІ аср ёшлари турли-туман мафкуралар тажовузи кучайиб бораётган шароитда яшамокдалар. Аниқроғи, ХХІ аср жаҳон сиёсатчилари, иқтисодчилари, сиёсатчилари, олиму-мутахассислари томонидан турли хил номлар билан аталмоқдалар. Айримлари ХХІ асрни “ахборот асри” деса, кимдир уни “ақл тафаккур”, яна бошқаси “юксак технология”лар, яна кимдир эса “интеграция асри” деб аташмоқда. Табиийки ушбу фикрларнинг барчасида асос бор. Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов эса ХХІ асрни “глобаллашув даври” деб аташлари бежиз эмас.

Глобаллашув (глобализация) – лотинча “глоб” сўзидан олинган бўлиб, айнан уни “думалоқлашув”, “курралашув” деб таржима қилиш мумкин. Ер шарининг, ер куррасининг фан-техника ютуқлари туфайли инсоният ихтиёридаги худди бир бутун шарга, куррага айланишини тушунтириш учун ишлатилади¹.

2011 йил 29 январ куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, қабул қилинган 2009-2011 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш орқали глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий-ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга, халқ фаровонлигини оширишга муваффақ бўлинганлигини таъкидлайди².

Глобаллашувнинг салбий томони эса майда этник гуруҳлар ва миллатларнинг маданияти, тили, расм-русумлари жаҳон бўйлаб кучайиб бораётган глобаллашув жараёнларида катта миллатлар, йирик миллий

¹ Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. Тошкент, 2006 йил, 70-бет

² Халқ сўзи. 2011 йил 27 январ.

маданиятлар, бой тиллар билан рақобатлаша олмай, ўз-ўзидан фаол ижтимоий-иқтисодий, инсоний-забоний ҳаётдан четга чиқиб қолмоқда.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг ҳозирги даврида ёшлар тарбиясига эътибор тобора кучайиб бормоқда. Бунинг қатор сабаблари борки, уларни маънавий-маънавий ахлоқий мафкуравий ишда эътиборга олмаслик мумкин эмас.

Биринчидан, мамлакатимиз том маънода ёшлар мамлакати ҳисобланади. Ёшларнинг ижтимоий маданий эҳтиёжини қондириш, юксак маънавий мафкуравий билимини шакллантириш ҳозирда жуда зарур бўлиб қолмоқда.

Иккинчидан, дунё тобора глобалашиб бормоқда. Дунёнинг турли бурчакларидан “оммавий маданият” деб ном олган ходиса бизнинг юртимизга ҳам кириб келмоқда. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган ҳатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”³.

Шунингдек, курс ишининг долзарблилиги мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш жамият барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили эканини ижтимоий-педагогик тадқиқ этиш ва ғоявий тарбия жараёнида ёшларнинг табиий-биологик, психо-физиологик хусусиятларини ҳисобга олиш пировард мақсадга эришишнинг зарурий шarti эканлигини кўрсатишдир.

Курс ишининг мақсади. Республикамиз олимлари томонидан сўнгги йилларда ғоявий таъсирларнинг моҳиятини очиб бериш билан бир қаторда миллий ғоя ва мафкуранинг турли қирраларини ёритиш, ёшларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, ғоявий тарбия жараёнида уларнинг эҳтиёж ва манфаатларини инобатга олишнинг аҳамияти каби масалаларга ҳам эътибор қаратилган.

³ И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч”, - Т., “Маънавият”, 2008 йил 117 бет.

Умуман, юқоридаги мавзу бўйича маънавий, мафкуравий таҳдидларнинг моҳияти, уларни олдини олишнинг назарий-методологик асослари тизими равишда, энг аввало Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг мақсади – мамлакатимизда мафкуравий жараёнлар, ғоявий таҳдидлар, ёшлар тарбиясида миллий ахлоқий қадриятларнинг ўрни таҳлил қилиниб, ҳозирги даврда мафкуравий таҳдидлар намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг олдини олиш йўллари ижтимоий-педагогик таҳлил қилишдан иборатдир.

Курс ишининг вазифалари:

- Мафкуравий глобаллашув жараёни ва бу масала билан боғлиқ тушунчаларни ёритиб бериш орқали, дунё мафкуравий манзарасининг ёшлар руҳиятига таъсирини таҳлил қилиш;

- Мафкуравий таҳдидларнинг мазмун моҳиятини ва намоён бўлиш шакллари ижтимоий-педагогик таҳлил қилиш;

- Миллий ғояни амалга ошириш ҳозирги даврда ғоявий хуружларнинг олдини олишнинг муҳим шарти эканлигини асослаш;

- Ёшларни бузғунчи ғоя объектига айланиш шароитида мафкуравий иммунитетни шакллантириш муаммоларининг ечимларини кўрсатиш;

- Мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишда оила, маҳалла ва таълим-тарбия тизимининг ўрнини таҳлил қилиш;

- Дунё мафкуравий манзарасининг ёшлар руҳиятига таъсирини тадқиқ қилиш орқали, ғоявий тарбия самаралдорлигини оширишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш масалаларини ёритиш.

- Мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишга доир назарий хулосалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Курс ишининг назарий ва методологик асослари. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва ёшлар тарбияси, миллий ғоянинг мазмун моҳияти, замонавий таҳдидлар, уларнинг намоён бўлиш шакллари ва олдини олиш йўллари ҳамда маънавий таҳдидларга қарши тарбия мазмуни, шакли ва

воситалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида баён этилган фикрлар битирув малакавий ишининг назарий асоси бўлиб хизмат қилишдир.

Курс ишининг назарий ва амалий аҳамияти. “Мафкуравий таъсир ва таҳдидлар” ҳақида гап кетар экан, “информацион хуружлар” ва глобаллашув жараёнининг тезлашуви масаласи кўндаланг бўлиб турган бир пайтда, уларни аниқлаш, баҳолаш, шакллари, хусусиятларини яққол кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан илмий муомалага бир қатор тушунчалар киритилган.

Ёшлар дунёқарашида ғоявий бўшлиқлар пайдо бўлишининг олдини олиш уларни турли мафкуравий таҳдид ва тазйиқлардан информацион хуружлардан асраш мақсадини амалга оширишда қатор таклиф ва мулоҳазалар берилганлиги тадқиқотнинг бугунги кун учун ниҳоятда долзарб масалага қаратилганлигини билдиради.

Худди шунингдек, Ўзбекистон халқи мафкуравий иммунитетнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи “мафкуравий қўпоровчилик”, “мафкуравий эътиқод”, “мафкуравий сафарбарлик”, “мафкуравий муносабат” ва ҳақозо тушунчалар тадқиқот ишида муҳокама қилинган.

Бугун масофалар қисқараётган, муносабатлар яқинлашаётган маданиятлар муштараклашаётган замон тили билан айтганда ҳамма нарса “глобаллашаётган” бир даврда яшаб турибмиз. Иқтисод ва сиёсатнинг глобаллашуви маданиятлар глобаллашувига сабаб бўлмоқда.

Дунё халқлари ўртасидаги кенг интеграцион алоқаларга, ҳамкорликка қурилаётган ҳозирги даврда турмуш тарзи глобал муносабатлар таъсиридан чеккада қололмайди. Глобал жараёнлар моҳиятига кўра, халқларни яқинлаштириш, инсоннинг ҳаёт тарзига умуминсоний манфаатлар нуқтаи назаридан таъсир этишининг омилига айланиб қолмоқда.

Курс ишининг тузилиши. Курс иши Кириш, 2 та боб, 4 та бўлим, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборатдир.

I-боб. Дунё мафкуравий манзарасининг ёшлар руҳиятига таъсирини тадқиқ этиш – ижтимоий педагогик муаммо сифатида

1.1. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси билан боғлиқ тушунчалар талқини

Инсоният XX аср охирига келиб бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий кашшоқлик, наркобизнес, терроризм каби муаммолар ана шулар жумласидандир. Шу билан бирга дунёда глобаллашув, ахборот оқимининг тезлашуви ва интенсивлашуви, универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнлар ҳам бормоқда.

Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ўз мақсадлари йўлида ўзгартирмоқчи бўлаётган мафкура шакллари барқарорлик ва таҳдид солмоқда. Президент Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида бу масала алоҳида ёритилган.

Буюк давлатчилик шовинизми тараққиётга нисбатан хавф хатарлардан биридир.

“... Шовинизм баъзи кўп сонли миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жуғрофий-сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашида намоён бўлади”⁴.

Буюк давлатчилик шовинизми ғайриинсоний ҳарактерга эга. У ўз моҳиятига кўра миллий тенгсизликни оқлаш, тарғиб-ташвиқ қилиш ҳамда ҳимоя қилишнинг ўзига хос шаклидир.

Тарихдан биламиз буюк давлатлар мақомига эга бўлган айрим мамлакатлар кўпгина минтақаларнинг ўзларининг “хаётий манфаатлари” ҳудуди сифатида босиб олиб, узоқ вақт мустамлакачилик сиёсати юргизгани маълум. Айрим босиб олинган ҳудудларнинг табиий хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш, бу мамлакатларнинг моддий ва маънавий бойликларини

⁴ И.А.Каримов, Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ..., Т., Ўзбекистон, 1997 й. 52-бет.

ўзлаштириш, уларга улкан ва қудратли давлатга айланишга имконият яратади.

Диний экстремизм ўзининг икки хусусияти билан ажралиб туради:

- уларнинг ақидаларига кўра, гўё барча ҳозирги замон мусулмон жамоалари, исломий тусларини йўқотганлар ва жоҳилия (исломдан аввал) асри жамиятларига айланганлар. Бундай ёндашув ҳукумат ва унинг олиб бораётган сиёсатини танқид қилишга “асос” бўлиб хизмат қилади;

- улар гўё фақат “ҳақиқий” мусулмонлар, яъни уларнинг ўзлари ҳокимиятга келгач, барпо бўлажак, “исломий тартибот”, ўрнатиш учун кескин ва агрессив ҳаракат қилиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Аслида “фундаментализм” ва “экстремизм” ғояларининг Марказий Осиёга кириб келишидан кўзланган мақсад, динни қадриятларини қайтадан тиклаш эмас, балки ана шу ғоялардан восита сифатида фойдаланиш орқали минтақада беқарорликни, диний ва миллатлараро низоларни вужудга келтириш, охир-оқибат эса ҳокимиятни қўлга киритишдир. Бунда тузатиб бўлмас фожиаларга олиб келиши мумкин бўлган, тарихда қолиб кетган халифаликни тиклаш ғоясига зўр бермоқда. Бу йўлда ислом фундаментализми вакиллари, катта диний эътиқод даражасида, инсон қалби маънавий бойлигининг ажралмас қисми бўлган миллий ўзига хосликни қурбон қилиш ғоясидан ҳам қайтмайдилар.

Агар Ўзбекистонда душманларимиз мўлжаллаган мақсадлар амалга ошса, бу нафақат бизда, балки бутун минтақа давлатларида ҳам жуда катта сиёсий ўзгаришларнинг содир бўлишига сабаб бўлиши, минтақавий интеграция жараёнларига ўзининг улкан салбий таъсирини ўтказиши мумкин.

Ўзларининг ислом динининг "Ҳимоячилари" деб кўрсатишга уринаётган террористларнинг асл нияти чинакам исломий қадриятларни тиклаш эмас, балки ҳокимиятни қўлга киритиш. Марказий Осиёдаги мамлакатларни ўзлари танлаган йўлдан қайтариш ва бутун минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатиш эди.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек "... Марказий Осиё мамлакатларининг тинчлиги ва барқарорлигига мазкур минтақада яшовчи халқларнинг хавфсизлигига дахл қилувчи тажовузларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш зарур"⁵.

Бугунги кунда нафақат инсон онгини, балки қалбини эгаллаш мафкуравий курашнинг бош масаласидир. Шунинг учун ҳам ер юзини турли минтақа халқларининг онги ва қалби турли ғояларни сингиш майдониға, мафкуравий полигонға айлантирилмоқда.

Ваҳҳобийлик мустақилликнинг илк йилларидаги ғоявий бўшлиқдан усталик билан фойдаланашиға интилди. Шунинг учун баъзи кишиларни араб мамлакатларида саёҳатда, хизмат сафарида, ўқишда бўлган вақтларида ўз таъсириға туширишға ҳаракат қилди.

Шундан сўнг, дастлаб жойлардаги масжидлар имом-хатиблиги учун, кейинроқ эса мамлакат диний идорасининг нуфузли лавозимлари учун курашди, ислом сиёсий партиясини тузишға ҳаракат қилди. Аста-секин Ўзбекистонни ислом республикаси деб эълон қилиш, минтақамизда халифаликни тиклаш режасини амалға оширмоқчи бўлдилар. Улар ўтган йилларда қонли жинойтлар, тартибсизликлар содир этдилар.

Улар ўз ниятларини амалға оширишда "дўстлик", "диндошлик", "миллатдошлик" тушунчаларини ҳам ишға соладилар. Керак бўлганда моддий ёрдам ҳам кўрсатадилар. Масжидлар куриб бериб, исломий адабиётлар билан таъминлаб, ўзларини ҳақиқий диндор, ҳақиқий мусулмон қилиб кўрсатишға интиладилар. Аммо разил ниятларини барибир ошкор этадилар, турли қўпоровчилик, тезкор ишларига сабаб бўладилар. Ваҳҳобийлик, хизбут таҳрир каби зарарли оқимлар мустақилликнинг дастлабки йилларида содир бўлган ғоявий бўшлиқдан усталик билан фойдаланишға интилган бўлса-да, лекин мақсадларига барибир эриша олмадилар.

⁵ И.А.Каримов "Озод ва обод ватан. "Эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз." Т. "Ўзбекистон" 2000 йил 36 бет.

Аммо ўша дастлабки пайтларда эътиқоди бўш, содда ва ишонувчан, дунёқараши шаклланмаган, етарли билимга эга бўлмаган одамларни, айниқса билиб-билмай нотўғри йўлларга кириб қолганлиги ҳам фактдир. Ёшларнинг "Камолот" жамғармаси фаолияти истиқлол талабларига жавоб бера олмаганлиги оқибатида ҳам кўплаб ёшлар истиқлол ғояларига асосланган тарбиявий жараёнлардан четда қолиб кетишга сабаб бўлди.

Давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партияларнинг мафкуравий соҳада етарли тажрибаси йўқлиги, ижтимоий фанларнинг ҳаёт талабларидан орқада қолганлиги, жамият руҳияти ва тафаккурида рўй бераётган мураккаб жараёнлар ўз вақтида илмий ечимини топмагани, одамларга мафкуравий жихатидан тўғри йўл кўрсатишга қодир бўлган шахслар, диний уламоларнинг етарли эмаслиги ҳам бунга сабаб бўлди.

Хуллас, ғоявий бўшлиқ умрини ўтаб бўлган ғоя, ақида ёки мафкура тараққиёт нуқтаи назаридан инкор этилиш натижасида вужудга келади.

1.2. Мафкуравий глобаллашув дунё манзарасининг асосий омили сифатида

XX аср охири - XXI аср бошларига келиб интеграция жараёнлари янада авж олди, замонавий ахборот технологияларининг бемисл ривож ва ягона жаҳон ахборот майдонининг шаклланиши бу жараённинг янги босқичга кўтарилишига, Президентнинг янги китобида топиб айтилганидек, “цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши”га олиб келди.

Сиёсатга доир илмий адабиётларида бундай жараён “глобаллашув феномени” деб номланмоқда. “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида бу ҳодиса оддий қилиб “хаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви” деб тушунтирилади⁶.

Башарият тараққиётидаги бундай ўзгаришларни узил-кесил “яхши” ёки “ёмон” деб, салбий ёки ижобий ҳодиса сифатида баҳолаб бўлмайди. Китобда ёзилганидек, “ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда – эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин.”

Президент китобида глобаллашув ва интеграция жараёнларининг талай ижобий имкониятлари бирма-бир санаб ўтилади. Уларни умумлаштириб айтиладиган бўлса, биринчи навбатдатурли соҳаларда (жумладан, иқтисод, сиёсат, маданият соҳаларида) “давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши”га хизмат қилиши мумкин, ва дарҳақиқат, бундай ҳамкорлик муносабатлари кундан-кунга кенгайиб ва рангбаранглашиб бораётганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Шу билан бирга дунёда барча одамлар ҳам эзгу ниятлар билан иш олиб боради, дейиш қийин. Баъзилар учун бу ҳаётда вужудга келган ҳар бир янгилик уларнинг ўз ғаразли мақсадларига қулай бир восита хизматини бажариши керак. Жумладан, жаҳонда ягона ахборот майдонининг вужудга келиши ҳам бундай бузғунчи кучлар учун “айни муддао” бўлди. Улар зудлик

⁶ Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч” Т. “Маънавият”. 2008 йил, 18-бет.

билан бу қудратли воситани ҳам ўз қабих ниятлари йўлида ишга солиш ҳаракатига тушдилар. Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, бундай ёвуз ниятли кучларнинг Ватани ҳам, миллати ҳам, дину имони ҳам йўқ. Улар гоҳ “исломий” қиёфада, гоҳ “эркинлик ва демократияни олға силжитиш”ниқоби остида ҳаракат қилишлари мумкин.

Президент И.А.Каримовнинг янги китобида инсонларнинг Борлик ҳақиқатига муносабатидаги икки хил ёндошув, “бир-бирини инкор қиладиган икки хил ҳаётий қараш” ҳақида гап боради:

“Биринчиси – ўз нонини ҳалол меҳнат билан топадиган, холис ва эзгу ишлар билан эл-юртга наф етказадиган, тириклик мазмунини теран англаб, нафақат бугунги ҳаёт лаззатлари, балки охираат ҳақида, унинг обод бўлиши ҳақида ўйлаб яшайдиган инсонларга хос ҳаётий қарашлар.

Иккинчиси – бунга мутлақо қарама-қарши бўлган ёндошув, яъни, ҳаётнинг маъно-мазмунини ҳақида бош қотирмасдан, бундай саволлар билан ўзини қийнамасдан, фақат нафс қайғуси ва ўткинчи ҳою ҳавасга, ҳузур-ҳаловатга берилиб, енгил-елпи умр кечирадиган, ўзининг ота-она ва фарзанд, эл-юрт олдидаги бурчига умуман бефарқ бўлиб яшайдиган одамларнинг фикр-қарашлари.

Мана шундай икки хил дунёқараш асосида пайдо бўладиган оғир саволлар одамзот онгли яшай бошлаган замонлардан буён уни ўйлантириб, қийнаб келади...”

Шу ўринда савол туғилади: бефарқлик, лоқайдлик билан ёвузлик орасидаги муносабат қандай? Тан олиш керакки, дунёда сон жиҳатидан олинса, мутлақ ёвуз одамлар жуда камчиликни ташкил қилади. Улар аслида одам ҳам эмас, цунами, тўфон ёки зилзила каби “худонинг бир балоси”. Шундай экан, қандай қилиб жуда озчилик бўлган бу тоифа баъзан миллионлаб инсонлар устидан ўз ҳукмини юргиза бошлайди? Айни юқорида айтилган ҳаётнинг маъно-мазмунини ҳақида бош қотиришни ошиқча иш деб

биладиган, Аллоҳ ва башарият олдидаги ўз бурчини эслашни ҳам истамайдиган, фақат нафс қайғуси ва ўткинчи ҳою ҳавасга берилиб кун кечирадиган одамларнинг бефарқ ва лоқайдлиги туфайли бундай ёвуз кучлар ўз макру ҳийлаларини бемалол амалга оширишга муваффақ бўладилар. Чунки бундай кимсалар кўпинча ўзлари сезмаган ҳолда ёвузлик кучларига хизмат қилувчи даҳшатли қуролга айланиб қоладилар. Шу сабабли Президентнинг янги китобида бефарқлик ва лоқайдлик асл инсонийликка зид турувчи қусур сифатида қаттиқ қораланади.

Инсоннинг ирода эркинлигига эътибор масаласида Европа файласуфлари Шарққа нисбатан анча илгари кетганликларини эътироф этиш лозим. Ислом минтақа маданиятининг илк шаклланиш даврида ушбу масала атрофида анча қизғин баҳслар бўлиб ўтгани тарихдан маълум. Жабарийлар ва қадарийлар орасидаги мунозаралар, мўътазила каломида бу муаммога айрича эътибор ахийри бориб Имом Абу Мансур Мотуридий таълимотида узил-кесил ҳал қилинган, кейинчалик бу муаммога кўп ҳам эътибор қаратилмади. Ваҳоланки, имом Мотуридий ва издошлари ўз давридаги турли бидъатлар билан мубоҳаса жараёнида кўпроқ Аллоҳ қудрати ва иродасининг мутлақлигини таъкидлашга урғу бериш билан банд бўлишиб, инсоннинг ирода эркинлиги масаласида ихтиёр, касб ва феъл тушунчаларини шарҳлаш билан чегараланган эдилар. Янги давр Европа ахлоқ илмида инсоннинг ирода эркинлиги масаласи деярли доимо файласуфлар диққат марказида бўлди. Айниқса, немис мумтоз фалсафасининг асосчиси Иммануил Кантнинг ғайб олами (“Ding an sich”), “назарий ақл” ва “амалий ақл”, инсоний билим чегаралари ҳақидаги қарашлари, шу асосда ирода эркинлиги ва масъулият (бурч) нисбатига алоҳида эътибори диққатга сазовордир. Кантнинг фикрига кўра, инсон шахс сифатида эркин ирода эгаси бўлиб, ўз ҳаётий мақсадларини ўзи эркин белгилайди. Шу билан бирга бани башарнинг ҳар бир аъзоси ўзгалар эркини чекловчи ҳарқандай хатти-ҳаракатдан ўзини тийиши

керак. Бундай олий масъулиятни файласуф “қатъий қоида” (“категорический императив”) деб номлайди.

Шахс ахлоқининг зоҳирӣ жиҳати — ҷамиятдаги мавжуд ахлоқий меёрларга бўйсунӣш, риоя қилиш билан ифодаланади. Ҷамиятнинг ахлоқий меёрлари эса моҳиятан маънавиятга эмас, балки сиёсат соҳасига тааллуқли бўлиб, ҷамиятдаги умумий осойишталик ва барқарор вазиятни таъминлашга қаратилгандир. Аслида улар меёрӣ (ёзилмаган) қонун-қоидалар шаклида бўлиб, сиёсатдаги ахлоқ қатламнинг юза қисмини ташкил этади. Бизнинг минтақада мукаммал ишланган шахс ахлоқининг ботинӣ асослари, ўз навбатида, унинг маънавияти ва табиати (хулқи) орасидаги муносабатлари заминига қурилган бўлиб, имон-эътиқод масаласи бу ўринда етакчи аҳамиятга эгадир.

Шахснинг хулқи унинг маънавияти таъсирида такомиллашиб (яъни табиӣ хислатлари қусурдан фазилатга айланиб) борган сари унинг ахлоқи замима ахлоқдан (инсонни худбинлик сари тортувчи тарбия кўрмаган хулқдан) ҳамида ахлоққа (маънавий камолот натижасида гўзаллашган хулққа) айланиб бораверади. Нафс тарбияси — маънавий камолот йўли бўлиб, ахлоқи ҳамиданинг шаклланиш йўли ҳамдир. Аммо маънавият фақат нафс тарбиясидан иборат эмас. Маънавият имондан бошланади, илм билан мукаммаллашади, таҳлилий имон орқали инсон нафс тарбияси (самовоспитание)га ўтади ва охири меҳр маърифати орқали маънавий камолотга эришади. “Ахлоқ — маънавиятнинг ўзаги ” деган ҳикматнинг мазмуни шундаки, инсоннинг маънавий камолот даражаси унинг ахлоқида энг ёрқин шаклда намоён бўлади. Агар инсон фақат тақлидий имон даражасида қолган бўлса, у Аллоҳнинг борлиги ва бирлигини тан олган бўлади, буюрилган фарзларни бақадри имкон бажаришга уринади, аммо ахлоқи ҳамида соҳиби бўлмайди.

Юқоридаги мулоҳазалар И.А.Каримов китобида бир жумлада баён этилган: “Ғарб оламида эса одамларнинг ҳаёт тарзида жамоавийликдан кўра индивидуализм, шахсий манфаат тамойиллари устунлик қилишини кузатиш мумкин. Бу ҳам муайян, объектив ижтимоий-тарихий омиллар туфайли шаклланган воқелик бўлиб, уни ҳам инкор этиб бўлмайди”.⁷

“Оммавий маданият” ҳодисаси асосида бирнеча омилларнинг чатишуви ётади. Улардан биринчиси - имонсизлик, ўз инсоний бурчи ва масъулиятини тан олишни истамаслик, бефарқлик ва лоқайдлик. Иккинчиси - санаб ўтилган қусурларни оқлашга хизмат қилувчи “дунёни манфаат бошқаради” (демак, бу дунёда ҳар ким ўз фойдаси учун қўлидан келган ҳаракатини қилса, бўлаверади, деган) даҳриёна (аниқроғи, худбинона) тезис (“қоида”) асосида яшаш. Бу икки омил азалдан бўлган. Учинчиси – олдингиларидан келиб чиқадиган ахлоқий релятивизм, яънидунёдаазалий ва абадий қатъий ахлоқий меёрлар мавжуд эмас, кўпчилик ўзини қандай тутаётган бўлса, биз ҳам шунга қараб кетаверамиз, деган ўйсизлик, фикрий дангасалик тамойили. Ва ниҳоят тўртинчиси - бугунги ахборот воситаларининг чексиз имкониятлари шароитида юқоридаги Президент таърифига мувофиқ, бефарқлик ва ўйсизлик ботқоғига ботган кимсаларнинг дунёни бошқаришга интилаётган кичик бир гуруҳ қўлида қўғирчоққа айланиб, ўзларининг энг тубан ҳайвоний хоҳиш ва истакларини очикдан-очик намоён қилишни “умуминсоний ахлоқий меёрлар” даражасига кўтаришга уринишларидир. Бундай ҳолатлар Европа минтақаси тарихида илгари ҳам бўлган, аммо ҳеч қачон бу даража жаҳон миқёсида кенг қўлам касб этмаган ва бу даражада кучли тарғибот имкониятларига эга бўлмаган эди. Президент китобида бу ҳақда шундай дейилади: “Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга

⁷ Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч” Т. “Маънавият”. 2008 йил, 25-бет.

кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.”

Бундан бир неча йиллар муқаддам халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг Тошкентда бўлиб ўтган нуфузли йиғилишида муҳтарам юртбошимиз инсоният дуч келадиган глобал муаммоларни таҳлил қилар эканлар “XXI асрда инсониятни маънавият ва маърифат асраб қолади” деган эдилар. Дарҳақиқат, оламнинг бемор аъзоларига фақат маънавиятгина малҳам бўла олади. Негаки ташқи оламнинг одобли инсон ички дунёсининг ободлигидан бошланади. Бу башарият асрлар давомида босиб ўтган йўли билан исботланган ҳаққоний хулоса.

Жаҳонда кечаётган глобаллашув ва модернизациялаш жараёни нафақат иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий ҳаётини қамраб олган, балки миллат маънавиятига, эртанги кун истиқболига ҳам таъсир кучини кўрсатмоқда.

Президентимизнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида таъкидланганидек, “Минг афсуски, ..тарихий ҳақиқатни англамайдиган ёки англашни истамайдиган чет элдаги баъзи сиёсатчи ва арбоблар нафақат сиёсат ёки иқтисодиёт, балки маънавият бобида ҳам бизга ақл ўргатишга, азалий ҳаёт тарзимиз, рухий дунёмизга ёт бўлган қарашларни мажбуран жорий этишга уринмоқда. Бундай кучларнинг ғаразли муносабати, аввало, бой ва қадимий маънавиятимизга қарши қаратилгани, улар халқимизни ана шу бебаҳо бойликдан жудо қилиш учун ҳар хил усул ва воситалар билан зўр бериб урнаётгани барчамизни ташвишлантирмасдан қолмайди, албатта”⁸.

Юртимизда ушбу иллатларга қарши кураш, ёшларимизни маънавий, рухий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳозирги даврнинг долзарб муаммосидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 1 май куни тасдиқланган “Миллий менталитетимизни юксалтириш, халқимиз турмуш тарзи ва менталитетимизга ёт бўлган ҳолатлар олдини олиш бўйича чора-

⁸ Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч” Т. “Маънавият”. 2008 йил, 11-бет.

тадбирлар дастури”да асосий эътибор юқоридаги каби муаммоларни бартараф этишга, ёшларни ушбу иллатлардан ҳимоя қилишга қаратилган.

“Оммавий маданият” (“популяр” ёки қисқача “попкультура” Ғарбда ўтган аср ўрталарида вужудга келди) кимлардир зўр бериб таърифлаётган, тарғиб қилаётган умуминсоний маданият эмас, балки унинг мутлақо тескарисидир. Аслида бу ҳаммани бир қолипга солиш, ўзига хосликни йўқотиш ҳаракатидир. Яъни, ўзликдан чекиниш. Минг йиллар давомида сайқал топган миллий қадриятлардан жудо этаётган, энг даҳшатлиси, айрим ёшларни домига тортиб кетаётган, таъбир жоиз бўлса, йўлдан ураётган мана шу “оммавий маданият”дир.

Бундай вазиятда миллий қадриятлар, халқона таълим-тарбия ва ички маданият одамларни ҳар қандай бало-қазодан асрайди. Фақат шу йўл билангина унинг олдини олиш, яқинлашиб келаётган муқарар ҳафдан миллатни омон сақлаб қолиш мумкин. “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида юртбошимиз таъкидлаганларидек: “Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча-қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади”.⁹

Глобаллашиб бораётган бугунги дунёда теран назар ташласак, айрим ривожланган давлатлар ахборот хуружи ва мафкуравий таъсири орқали геосиёсат юритишга уринаётгани ҳам кўзга ташланади.

Президентимиз уқтирганидек, “Баъзан беозор бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади”.¹⁰

Ёш авлодни турли бизга ёт бўлган хавфли таъсирлардан асрашда уларда кучли иммунитет ҳосил қилиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Болаларимизнинг

⁹ Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч” Т. “Маънавият”. 116-бет.

¹⁰ Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч” Т. “Маънавият”. 126-бет.

ҳаётга бўлган соғлом муносабати миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида шаклланиши, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳияти, сабаб ва оқибатлари ҳақида мустақил фикр-мулоҳазага эга бўлиши сув ва ҳаводай зарурдир.

Глобаллашув билан ёнма-ён, паралел ва бир вақтнинг ўзида модернизация жараёни ҳам келмоқда, унга кўплаб мамлакатлар ва минтақалар тортилган бўлиб, улар шу йўл орқали ўзларидаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий ва техникавий қолоқликдан чиқишга уринмоқдалар. Шунинг баробарида модернлашув жараёнидаги кўплаб субъектлар «жорий» характердаги масала ва муаммолар билан шу қарор бандларини, уларнинг глобаллашув ҳақида ўйлашга вақтлари ҳам топилмайди. Аммо реал ҳолатда эса у ёки бу томондан олиб қаралганда ҳам бу икки мега анъаналар-глобаллашув ва модернлашув шу қадар, ўсиб кетишганки, улар умумий жараён сифатида характерланишади. Уларни янги давр изланишлари деб аташ ҳам мумкин. Ўсиб бораётган глобаллашув модернлашув жараёнининг классик моделига шу қадар кўп изоҳлар олиб кирмоқдаки, кўплаб мутахассислар буни трансформация ёки қурилма деб ҳам атамоқдалар. Худди шу маънода глобаллашувни ўз-ўзини янгилашни, “замонавийлаштиришни” муҳим ресурси деб қараши мумкин ва керак. Бу икки феномен бир-бири билан нафақат кучайтирилган ўзаро боғлиқлик билан боғланган, балки умумий, яъни бутун дунё ҳамжамиятини инсоният яратган цивилизацияни сақлаб қолиш ғояси билан бирлаштиради, уларнинг истиқбол режалари келгусида “биринчи ракамли” умуминсоний, умумсайёравий муаммоларга айланади.

Глобал ижтимоий – маданий алмашув бугунги кунда зиддиятларнинг ўзига хос бирлиги сифатида талқин этилади – инсоният қадриятларининг “юқорига кўтарилиш ўйинлари” ва “пасайиш ўйинлари”. Бу икки анъананинг қай бири дунёни эгаллаб олиши глобаллашувнинг ўзига боғлиқ, яъни у ўз тақдирини ўзи ҳал қилади.

II боб. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасида ёшлар тарбиясининг амалий асослари

2.1. Ёшлар руҳиятига қарши қаратилган маънавий таҳдидлар тавсифи ва таснифи

Жамият барқарорлигини издан чиқаришга қаратилган таҳдидлар ва уларнинг олдини олиш муаммоларини тадқиқ этиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Зеро, сўнгги йилларда глобал миқёс касб этиб, жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олаётган турли хавф-хатарлар вужудга келди, уларнинг олдини олишнинг самарали йўллари аниқлаш устувор вазифага айланди. Хусусан, улкан таҳдид – жаҳон молиявий иқтисодий инқирози ҳақида Президентимиз И.А.Каримов шундай ёзади: “Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди”¹¹.

Инсон онги ва қалби учун кураш тарихан турли шаклларда инсоният ҳаётидан ўрин эгаллаб келган. Ҳозирги давр мафкуравий таҳдидларнинг кучайиб бораётгани, турли оқимлар ва кучлар томонидан ғаразли мақсадлар йўлида амалга оширилаётган, жамият маънавий барқарорлигига салбий таъсир этадиган мафкуравий хуружларнинг юзага келаётгани билан характерланади. Бундай жараёнлар мустақил тараққиёт йўлига чиққан янги давлатларнинг ҳаётида ҳам ўзига хос тарзда акс этмоқда. Шу боис “... ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада хушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир”¹².

¹¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 31-32.

¹² Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 29.

Бугунги кунда нафақат инсон онгини, балки қалбини эгаллаш мафкуравий курашнинг бош масаласидир. Шунинг учун ҳам ер юзини турли минтақа халқларининг онги ва қалби турли ғояларни сингиш майдониға, мафкуравий полигонға айлантирилмоқда.

Ана шундай шароитда халқнинг барча қатламларига берилаётган билимлар объектив воқеликни тўлиқ ва тўғри акс эттириши, жамият тараққиётиға "Ватан ва халқ манфаатларига, кадриятларни сақлашға хизмат қилиши лозим"

Билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида вужудға келган кадриятлар ҳам шунчалик устивор бўлади. Уларни эгаллаган одамлар мафкуравий тажовузларға зарба бера оладилар.

Ғоявий мафкуравий бўшлиқ эски тузумдан янги тузумға ўтиш жараёнида олдин ҳукмронлик қилиб келган мафкура ўтмишиға айлангач, тараққиёт талабларига мос равишда унинг ўрнини босадиган илғор ғоявий тизимнинг ҳали шаклланмаган ҳолатидир. Бундай шароитда турли мафкуралар ўз таъсирини ўтказишға уринади.

1990 йилларнинг бошларида бундай мафкуравий бўшлиқ Ўзбекистон худудида ҳам намоён бўлди.

Унинг хусусиятлари қуйидагича:

Биринчидан ҳукмрон, яккаҳоким большевистик-коммунистик мафкура батамом таназзулга қўл тутди ва унинг ўрни бўшаб қолди.

Иккинчидан, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида қарор топган бўлса-да, унинг мафкураси ҳали тўла-тўқис шаклланмаган ва барча фуқаролар онгига сингиб улгурмаган, барчанинг эътиқодига, мустақил дунёқарашиға айланмаган эди.

Учинчидан, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлган жойда муқаррар тарзда бошқа ёт ва бегона мафкуралар ҳуружи бошланади. Ўтиш даврида янгича қарашлар мустаҳкам эътиқодға айланиб улгурмаган пайтда ташқи мафкуравий таъсирларнинг яхши ёки ёмон, фойдали ёки зарарли эканини ҳамма ҳам фарқлай олмайди.

Ўзбекистондаги мафкура майдонига бегона, халқимизнинг орзу-интилишларига мутлақо ёт ғояларнинг хужуми ана шу билан ҳам изоҳланади.

Тўртинчидан, мустақил мамлакатимиз тинч-осойишта яшаётган бир пайтда Афғонистон ва бошқа яқин ҳудудлардаги беқарор вазиятдан фойдаланиб, уларнинг ҳудудига ин қуриб олган баъзи бир экстремистик кучлар, террорчи тўдалар ўз жинояткорона мақсадларини амалга оширишга, Марказий Осиё минтақисини мафкуравий курашлар майдонига айлантиришга урина бошлаган эди.

Бу жиной гуруҳлар ўзларининг ёвуз мақсадларини турли исломий мафкуравий ғоялар билан ниқоблашга ҳаракат қилдилар. Айниқса, 80-йилларнинг иккинчи ярми, 90-йилларнинг бошларига келиб дин ниқобидаги зарарли, халқимизнинг иймон-эътиқодига тўғри келмайдиган қарашларни "вахҳобийлик", "ҳизбут таҳрир", "акромийлик", "адолат уюшмаси", "ислом лашкарлари", "тавба" каби ҳаракатларнинг таъсирини ёйишга, ёшларни йўлдан оздиришга интилдилар.

Давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партияларнинг мафкуравий соҳада етарли тажрибаси йўқлиги, ижтимоий фанларнинг ҳаёт талабларидан орқада қолганлиги, жамият руҳияти ва тафаккурида рўй бераётган мураккаб жараёнлар ўз вақтида илмий ечимини топмагани, одамларга мафкуравий жиҳатидан тўғри йўл кўрсатишга қодир бўлган шахслар, диний уламоларнинг етарли эмаслиги ҳам бунга сабаб бўлди.

Хуллас, ғоявий бўшлиқ умрини ўтаб бўлган ғоя, ақида ёки мафкура тараққиёт нуқтаи назаридан инкор этилиш натижасида вужудга келади.

2.2. Маънавий таҳдидларга қарши тарбия мазмуни, шакли, восита ва методлари

Халқимизнинг ўзига хос миллий урф-одат, анъана ва турмуш тарзи бор. Булар бебаҳо миллий қадрият, аجدодларимиздан қолган маънавий меросдир. Уларни асраш ва келажак авлодларга етказиш алоҳида масъулият талаб этади. Зеро, фарзандларимизнинг ўзлигини танишида миллий қадриятларимизнинг ўрни бекиёсдир.

Чунки бугунги кунда миллий қадриятларимизга мутлақо зид ғоялар билан йўғрилган, инсон онгини заҳарлайдиган воситаларни тарқатишга зўр бериб уринаётган кимсалар, афсуски, йўқ эмас. Айниқса, ёвузликни тарғиб қилувчи кино ва видеофильмлар, телерадио дастурлар, босма нашрлар, порнографик мазмундаги асарлар ва бошқа маҳсулотлар, рекламаларни ёшлар орасига билинар-билинмас ҳолда мажбуран киритиш йўлига ўтилгани кузатилмоқда.

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ҳамда нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш тадбирларидаги иштироки алоҳида моддада баён этилган. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга 188²-модда киритиш кўзда тутилмоқда. Ушбу моддада тунги вақтда боланинг ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз ресторанлар, қаҳвахоналар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатишга мўлжалланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар жойларда ҳозир бўлишига йўл қўйганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Инсонга фақат атроф-воқелик ҳақида, одобу ахлоқ қоидалари ҳақида билим беришнинг ўзи унинг маънавий-ахлоқий тарбияси учун етарли бўлмайди. Унда ирода қудрати, масъулият туйғусини шакллантириш, кўнглида атроф-табиатга, меҳнатга, касбга, илмга, ўзга инсонларга меҳр

уйғотиш, дилида улуғ мақсадлар туғилишига эришиш лозим. Масалан, тан олиб айтиш керакки, Ватан ёки Адолат туйғуси ҳақида китобларда ёзилганларни ўқиб чиққан одам дарҳол Ватаннинг қадрига етадиган, ёки Адолатга хиёнат қилмайдиган бўлиб қолади, деб тасаввур қилиш ўта соддалик бўлур эди. Ҳар бир инсон Ватан, Миллат, Адолат тимсол-тушунчаларининг ўз руҳидаги пойдор маънавий қадриятларга айланиши учун ўзгалар ибратида синаши, бу йўлда риёзат чекиши, уларга нисбатан кўнглида меҳр уйғониши зарур. Бунга турли йўллар, турли воситалар билан, биринчи навбатда ёш авлод тарбиясига самимий (чин кўнгилдан) ва изчил ёндошув, тинимсиз изланишлар билан эришилади.

Президент китобида “инсон маънавий оламининг юксалиши” деганда нимани тушуниш керак, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб берилган: “Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш”. Аммо муаллиф яна таъкидлайдики, ушбу қондани тушуниш ва эътироф этишнинг ўзи кифоя эмас, балки айна шу эътиқодга амал қилиб яшаш – “одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон”дир.

“Такрор айтишга тўғри келади – ота-оналар, устоз-мураббийлар бу масалада ҳушёрликни йўқотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бепарво бўлмаслигимиз зарур”. Президентнинг ҳушёрликни йўқотмаслик, бепарво бўлмаслик хусусидаги уқдиришларини тўғри тушунадиган бўлсак, бу дегани ёш авлодга тўғри таълим бериш билан бирга, ҳар бир айтган сўзимизга аввало ўзимиз риоя қилишимиз керак бўлади. Масалан, “илм ол” дедикми, ўзимиз умр бўйи илмимизни ошириб, пухталаб боришдан тўхтамаслигимиз керак; “ҳалол ва адолатли бўл” дедикми, ўзимиз фарзандларимизни ҳалол луқма билан боқаётганимизга, ўз фойдамизни кўзлаб бировга зулм бўладиган хатти-ҳаракатдан сақланишга қатъий уринмоғимиз лозим бўлади. Ана шундагина болаларимиз келажагидан хотиржам бўлишимиз мумкин.

“Ўз-ўзидан равшанки, бугунги замон воқеликка очик кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб

бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда.”

Албатта, барча муаммоларни бир кунда, бир ҳамла билан ечиб бўлмайди. Маънавий баркамол авлодни тарбиялаш бир умрлик иш. Мустақиллигимиз бу саъй-ҳаракатларимиз самарали бўлишининг ишончли кафолатидир. Аммо ҳар бир ишда ёлғон қадамлардан, осон ечимлар кидиришдан эҳтиёт бўлмоғимиз жуда муҳим. Ҳар бир ишда қийинчиликни бўйнига олган одам ҳақиқий ютукқа эришади. Айниқса, биз зиёлилар, ёш авлод тарбиячилари ўз вазифамизга масъулият билан ёндошсак, “фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш”дан, шу йўл билан улар онгида “мафкуравий иммунитет” ҳосил қилишга уринишдан чарчамасак, миллатимиз яна буюк миллат бўлади, авлодларимиз аجدодларимизга муносиб қудрат касб этади. Муаллимнинг меҳнати самараси узоқ келажакка уланиб кетадиган эзгу меҳнат. Келинг, авлодни боқийликка элтувчи меҳнатдан эринмайлик, токи Президентимизнинг, халқимизнинг ёруғ орзулари ушалсин, “ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин”.

Хулоса

Ҳозирги даврда мафкуравий таҳдидлар намоён бўлишининг хусусиятлари таҳлили қўйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради.

Биринчидан, мафкуравий таҳдидлар моҳият эътибори билан шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат ва жамиятнинг эркинлиги, барқарор тараққиётига қарши қаратилган бўлиб, ғаразли сиёсий ва геосиёсий манфаатларнинг инъикоси ҳисобланади. Вайронкор характерга эга бўлган бундай таҳдидлар субъект онги ва қалбига йўналтирилгани, мазмун ва шакл жиҳатидан хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Иккинчидан, мафкуравий таҳдидлар глобал характер касб этмоқда. Бу, бир томондан, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ана шундай таҳдидлар остида қолаётгани, иккинчи томондан, стратегик мақсадларни, тактик вазифаларни амалга оширадиган ва пухта ишлаб чиқилган халқаро институционал тизим шаклланаётганида ҳам яққол кўринади.

Учинчидан, мафкуравий таҳдидларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш юксак маънавиятни шакллантириш, ғоявий-мафкуравий жараёнлар моҳиятига кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш зарурлигини кўрсатади. Бу объектив воқеликка айланган глобал мафкуравий таҳдидларнинг ижтимоий жараёнлар субъектига қарши қаратилгани ва уларнинг олдини олиш шу субъектларнинг фаоллигини оширишнинг, содир бўлаётган жараёнларга дахлдорлик ва актив акс муносабатини шакллантиришнинг ҳаётий-амалий аҳамиятга эгалиги билан белгиланади.

Тўртинчидан, миллий мафкуранинг моҳиятини ифодаловчи ғоялар жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар, демографик гуруҳлар манфаатини акс эттиради. Шундан келиб чиққан ҳолда, уларнинг тўғри англаниши, чуқур ўзлаштирилиши ва фаолият мотивига айланиши дифференциал ёндашувни тақозо қилади ва ғоявий тарғибот-ташвиқотнинг самарадорлигини белгилайди.

Бешинчидан, ёшларнинг мустақил дунёқарашини, юксак маънавиятини шакллантириш уларда вайронкор ғояларга қарши барқарор мафкуравий

иммунитетни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти, соғлом оилавий муҳит эса, камол топаётган ёш авлод онги ва қалбига эзгу ғоялар, миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдиришнинг муҳим институционал асосидир.

Олтинчидан, мафкуравий таҳдидлар аниқ макон ва замон характеристикасига эга. Бу ғоявий курашда маҳалла ва таълим-тарбия тизимининг имкониятларидан оқилона фойдаланиш зарурлигини кўрсатади. Маҳалла ғоявий тарғибот-ташвиқотни конкрет шароит ва вазиятдан, аҳолининг ижтимоий аҳволдан, таълим тизими ёшларнинг билим, кўникма ва малакасига хос хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш, халқимизга хос жамоавийлик ва жамоавий таъсир кўрсатиш механизмларидан фойдаланиш учун замин яратади.

Ушбу хулосалар асосида курс ишининг натижаларидан фойдаланиш бўйича қуйидаги **тавсиялар** ишлаб чиқилган:

1. Мафкуравий таҳдидларнинг моҳиятини теран англаш, уларга қарши курашда тарбиявий жараёнлар узвийлигини таъминлаш учун жойларда Маънавият тарғибот марказлари қошида ғоявий тарбия мониторингини олиб бориш бўлимларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ;

2. Жамоатчилик асосида олим, мутахассисларни жалб этиш йўли билан маҳаллаларда доимий фаолият юритадиган ва ғоявий тарбияга йўналтирилган “Мунозара” клубларини ташкил этиш зарур;

3. Ғоявий тарғиботни амалга оширишда телевидение катта имкониятларга эгалигини инобатга олиб, бадиий фильмлар намойиши вақтида мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш ва кишиларимизда ғоявий иммунитетни шакллантиришга қаратилган ижтимоий роликларнинг тизимли бериб борилишини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга;

4. Маънавий-маърифий ва ғоявий-мафкуравий тарбия билан шуғулланувчи ташкилотларнинг Интернетдаги сайтларида махсус “Ёшлар ва ғоявий кураш” веб саҳифасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу, биринчидан, ёшлар орасида олиб бориладиган ғоявий тарбияни интернет имкониятларидан фойдаланган ҳамда конкрет шароит, минтақага хос

хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш имконини беради. Иккинчидан, мазкур соҳада ёшларни қизиқтираётган муаммоларни тезкор ўрганиш ва ҳозиржавоблик учун замин яратади. Учинчидан, мавжуд муаммолар юзасидан ёшларнинг эркин фикр алмашиши учун ўзига хос ахборот майдони юзага келади;

5. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ғоявий-сиёсий позициясини аниқлашга қаратилган социологик тадқиқотлар олиб борилишини тизимли йўлга қўйиш ҳаётий-амалий аҳамиятга эга. Бунда олиб бориладиган ишларни “Ёшлар дунёқарашига хос хусусиятларни социологик ўрганиш - тадқиқот хулосаларига таяниб мафкуравий тарбиянинг устувор йўналишлари режасини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш – амалга оширилган ишлар натижасини янги социологик сўровлар ёрдамида ўрганиш” циклида ташкил этиш кўзланган мақсадларга эришишга хизмат қилади.

Умуман олганда, замонавий воқелик мафкуравий таҳдидлар билан боғлиқ масалаларни назарий-методологик жиҳатдан таҳлил этишни чуқурлаштириш ва олинаётган илмий натижаларнинг амалий татбиқини тўғри йўлга қўйиш маънавий юксалиш ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг зарурий шарти эканини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: 2008. 29 – 30 бетлар.
2. Каримов.И.А. Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тараққиёт йўли.- Т.:Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов.И.А. Тарихий хотирасиз келажак йуқ...-Т.:1998.
4. Каримов.И.А. Баркамол авлод орзуси.- Т.:Шарқ,1997.
5. Каримов.И.А. Истиқлол ва маънавият. -Т.:1994.
6. Каримов И. “Биздан озод ва обод ватан қолсин”. Т. “Ўзбекистон”, 1994.
7. Каримов И. “Ўзбекистон: ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг асосий тамойиллари”. Т. “Ўзбекистон”, 1995.
8. Каримов И. “Ирода ва иймон эътиқодимиз синовлари”. Т. “Ўзбекистон”, 1996.
9. Каримов И. “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари”. Т. “Ўзбекистон”, 1997.
10. Каримов И. “Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда”. Т. “Ўзбекистон”, 1999.
11. Каримов И. “Хушёрликка даъват”. Т. “Ўзбекистон”, 1999.
12. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”. Ўқув қўлланма. Тошкет Молия Институти. Т. 2004.
13. Президент Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари ” асарини ўрганиш бўйича Методик Қўлланма. Т. “Университет”. 1997.
14. Худойбердиев Э. “Ислам Каримов асарларида маданият тушунчасининг моҳияти” (ўқув қўлланма) Тошкент 2010 йил.
15. Отамуродов С., Хусанов С., Раматов Ж.. “Маънавият асослари” А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент 2002 йил.
16. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. –Т.: 2007. - Б. 218.

17. Ёшлар ўртасида ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш йўллари (илмий-услубий тавсиялар). Т. «Университет» - 1996.
18. Абдуллаев А. Маънавият ва иқтисодий тафаккур. – Т.: “Маънавият”, 1999 йиллар, 7-бетлар
19. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. Т., “Шарқ”, 2001 йил.
20. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (изоҳли кўргазмалар воситалар тўплами). Т., “Янги аср авлоди” 2001 йил.
21. Собиров М. “Миллий истиқлол мафкураси: моҳият манбалари ва ижтимоий вазифалар” Т., 2001 йил.
22. Худойбердиев Э. Маънавиятнинг таркибий қисмлари, уларнинг ўзаро муносабатлари ва ривожланиш хусусиятлари, Т., “Янги аср авлоди” 2010 йил.
23. Худойбердиев Э. “Миллий ғоя ва маънавиятни шакллантиришнинг ижтимоий асослари” (Ўқув қўлланма) Тошкент 2010 йил.
24. Худойбердиев Э. “Маънавият асослари” фанидан ўқув қўлланма, Тошкент 2010 йил.
25. Худойбердиев Э. “Маънавият, иқтисод ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги” (ўқув услубий қўлланма) Тошкент 2007 йил.
26. Нишонбоев Қ., Эргашева И., Мунавварова М., “Аждодлардан мерос – енгилмас куч” (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича методик қўлланма) Тошкент 2008 йил.
27. Шодиев Ғ. “Маънавият ва ёшлар”Т., “Абу матбуот консалт” 2008 йил.
28. Бобоев Ф., Ғофуров З. Миллий истиқлол мафкураси ва тараққиёт. Т.: “Янги аср авлоди”, 2001 йил . Буюк сиймолар, алломалар. Т.: “Маънавият”, 1995 йил.
29. Миллий истиқлол ғояси асосий хусусиятлари, фалсафий ва тарихий илдизлари. Масъул муҳаррир Қ. Назаров. Тошкент 2001 йил.
30. Жўраев Н. Мафкуравий иммунитет. Т.: Маънавият 2001 йил.

31. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т.: Ўзбекистон 2001 йил.
32. Пахрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалокатли куч. – Т.: “Академия” 2001 йил.
33. Отамуродов С., Мамашокиров С., Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар – Т.: “Янги аср авлоди”, 2001 йил.
34. Отамуродов С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. Т: - Янги аср авлоди. 2003 йил.
35. Джеймс Гэлбрейт. Кризис глобализации. – М.: «Эксмо», 2006г.
36. Смирнов А.Ю. Глобалистика: проблема поиска предметного поля / Знание. Понимание. Умение. – 2005г.
37. Келле В.Ж. Процессы глобализации и динамика культуры // Знание. Понимание. Умение. – 2005г.
38. Журавлев В.В. Глобализация: вызовы истории и ответы теории // Знание. Понимание. Умение. – 2005г.
39. Колин К.К. Неоглобализм и культура: новые угрозы для национальной безопасности – М. «Либроком», 2005 год.
40. Гринин Л.Е. Глобализация и национальный суверенитет. История и современность. №1-2005., с. 6-31.

Интернет сайтлари.

1. www.bilim.uz
2. www.go.uz –Хукумат сайти
3. www.press-servise.uz – Президент сайти
4. www.edu.uz – Вазирлик сайти
5. www.ziyo.edu.uz – Вазирли сайти
6. www.performance.edu.uz– Вазирли сайти
7. www.tseu.fan.uz – ТДИУ сайти
8. www.tseu.uz– ТДИУ сайти
9. www.teuphil.narod.ru – Фалсафа сайти.